
Қўқонда 107 млн. сўм иш ҳақлари ундириб берилди

ФИБ Қўқон туманлараро судининг 07.12.2022 йилдаги қарорига асосан қарздор “Автосаноат компонент” МЧЖдан ундирувчи 32 нафар ишчиларни фойдасига жами 106.653.349 сўм иш ҳаққи ундириш ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бюронинг Қўқон шаҳар бўлими томонидан ижрога қаратилиб, қарздорга ихтиёрий муддат берилган.

Қарздор суд қарорини ижросини таъминлаш чорасини кўрмагач, бюро томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида қарздор жамиятнинг мол-мулклари электрон онлайн аукцион савдода сотилиб, сотувдан тушган пул маблағларидан 32 нафар ишчиларнинг иш ҳақидан бўлган 106.653.349 сўм қарзи тўлиқ қоплаб берилди.

Шунингдек, қарздордан 9.600.000 сўм давлат божи ҳамда 5.332.667 сўм ижро йиғими ундирилиб, жами 64 та ижро ҳужжатлари амалда тамомланди.

Мажбурий ижро бюроси Қўқон шаҳар бўлими

2022-12-21 10:15:58